

ЛЕПТОСПИРОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИЗООТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Япаров Э.Э., Курбонов Р.Т., Рахимов М.Ю., Мирзаев Е.Ш.
Ўзбекистан ветеринария иллий-тадқиқот институти

Лептоспироз - қишлоқ хўжалик ва ёввойи ҳайвонлар, паррандалар ҳамда одамларнинг юкумли касаллигидир. Бизнинг илмий тадқиқотларимизнинг мақсади, лептоспироз касаллиги-нинг ўлка эпизоотологиясини, эпизоотик ўчоқларни, этиологияи структурасини, ажратиб олинган штаммларнинг патогенлиги ва лептоспироз касаллиги тарқалишда кемирувчиларнинг ролини ва уларни лептоспиралар билан зарарланиш даражасини ўрганишдан иборат.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, олдинги йиллардаги илмий тадқиқотларимиз натижасида лепте пироз касаллигининг тарқалиши ва эпизоотологиясининг айрим масалалари ўрганшан.

Сўнги йиллар давомида Республиканинг 102 та чорвачилик хужаликларида 3511 бош қишлоқ хўжалик ҳайвонлари текширилди. Жумладан йирик шохли моллар - 1440 бош, майда шохли моллар - 1117 ва ҳар хил кемирувчилар - 241 бош. Серологияи реанцияларда 3511 қон зардоби тенширилди касаллинна гумон қилинганда реанция қайтадан қўйилди. Серологияи теншириш натижалари бактериологияи тенширишлар билан тасдиқланди. Теиширишлар натижасида йирин шохли моллардан ва немирувчилардан лептоспираларнинг *L.Pamona*, *L.icterohamorrhagiae*, *L.tarassovi*, *L.hebdomadis* штаммлари ажратиб олинди. (Малахов Ю.А., Панин А.П., Соболева Г.Л., 2001).

Теиширишлар, лептоспироз насаллиги хўжаликлар ва кемирувчилар орасида барча худудларда ненг тарқалганлигини ва айнинса баҳор - ёз ойларида кўпроқ учрашини нўрсатди. Кўпгина хўжалинларда бу касаллин сурункали равишда ҳар йил нузатилса айрим хўжаликларда 1 - 2 йил кузатилишини кўрсатди.

Кузатишларимиз, насаллик билан кўпинча 5-6 ойлик бузоқлар касалланиши, кейин 1 ойдан 3 ойгача бўлган бузоқлар ва нейин 8 ойдан нагта бўлган бузоқлар касалланишини нўрсатди. Лептоспироз билан Республикада учрайдиган барча қорамол зотлари насалланади, Ленин четдан нелтирилган мол зотлари нўпроқ касалланади.

Касаллин Республиканинг 8 чорвачилик хўжалигида ўрганилди. Биз касалликни асосан тез кечишини 2 ойгача бўлган бузоқларда кузатдик. Сигирларда эса касаллик асосан сурункали равишда кечиши аниқланди. Айрим хўжаликларда касаллик кўп йиллар давомида кузатилиб келинмоқда. Бу холат бу хўжаликларда касалликнинг табиий ўчоқли борлигидан далолат беради.

Лептоспироз бўйича носоглом чорвачилик хўжаликлари текширилганда касалли" 5,8% ни, улим 1,3% ни ташкил этди. Республика бўйича қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг қони текширилганда 1,2% ида ижобий натижа олинди.

Ўтказилган тадқиқотлар ҳар хил кемирувчилар лептоспироз касаллиги ташувчиси бўлиб хизмат қилишини кўрсатди. Текширилган 241 намунадан 4,5% ида ижобий натижа олинди.

Лабораторияда кўп йиллар давомида гказилган тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган ишлар асосида шахсий ва фермер хўжаликлардаги чорва ҳайвонларини лептоспироз билан касалланишининг олдини олиш учун ҳайвон эгалари ветеринария-санитария умумий тадбирларидан ташқари қуйидаги чораларни амалга оширишлари зарур деб ҳисоблаймиз:

-хўжаликдаги мавжуд чорва ҳайвонларини ва хизматчи итларни лептоспирозга даврий текшириб бориш;

-хўжаликдаги чорва ҳайвонларини ва хизматчи итларни лептоспирозга қарши вакцина билан эмлаш;

-хўжаликка янги келтирилаётган ҳайвонларни профилактик карантинда сақлаш ва карантин вақтида ҳайвон қон зардобини лептоспирозга текшириш. Чўчқаларни лептоспира ташувчанликка текшириш. Бунинг учун чўчқа сийдигида лептоспиралар бор-йўқлиги аниқ- ланади. Қон зардобиди махсус антителолар ва сийдигида лептоспиралар мавжуд бўлган ҳайвонлар аниқланганда бутун гуруҳ лептоспирозга қарши вакцина билан эмланади ва 5-7 кун ўтгач лептоспироцид препаратлар (стрептомицин, дитетрациклин, канамицин) билан даволанади.

-чорвачилик биноларида ва ёрдамчи биноларда кемирувчиларга қарши тадбирларни доимий равишда ўтказиш.

хўжаликни лептоспироздан соғломлаштириш тадбирлари қуйидагилардан иборат:

-лептоспироз касаллиги аниқланган хўжаликка (отар, ферма) чеклаш қўйилади.

-ҳайвонларни олиб келиш ва олиб чиқиш таъқиқланади.

-ҳайвонларни гуруҳларга ажратиш, лептоспирозга қарши эмланмаган ҳайвонларни олиб кириш.

-ҳайвонлардан сперма олиш ва уни реализация қилиш.

-касал ёки касалликка гумон ҳайвонлар маҳсулотларини (сут, гўшт) зарарлантirmасдан фойдаланиш.

-ҳайвонлар клиник кўриқдан утказилади ва касалликка гумон ҳайвонларнинг тана ҳарорати ўлчанади. Касал ёки касалликка гумон ҳайвонлар ажратиб олинади ва қўллаш бўйича Қўлланмага мувофиқ лептоспирозга қарши гипериммун қон зардоби ҳамда антибиотиклар билан (стрептомицин мускул орасига 25000 ТБ/кг, дитеграциклин мускул орасига 30000 ТБ/кг, канамицин мускул орасига 15000 ТБ/кг) даволанади. Даволангандан 5-7 кун ўтгач ушбу ҳайвонлар лептоспирозга қарши вакцина билан эмланади.

-ветеринария тадбирлари ўтказилгач ва текширишда касал ёки лептоспираташувчи ҳайвонлар аниқланмагач хўжалик (отар, ферма) лептоспироздан соғломлаштирилган ҳисобланади ҳамда чеклаш бекор этилади. Чеклашни бекор этишдан олдин 50 бош ёш ҳайвонлардан қон зардоби намунаси олинади ва микроагглютинация реакциясида текширилади ҳамда ҳар 1000 бош ҳайвондан камида 100 бош ҳайвоннинг сийдик намуналари лептоспираларга текширилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исаев М.И., Шутяев И.П. К эпидемиологии лептоспироза в г. Коканде Узбекской ССР. Кн. «Лептоспироз», М., 1976.

2. Джалилов К.Д., Якубова М.Я., Кабулова М.Д. Эпизоотологическая характеристика лептоспироза. Кн.: «Лептоспирозы». Тбилиси. 1983.

3. Малахов Ю.А., Панин А.П., Соболева Г.Л. «Лептоспироз животных». Ярославль ДИА-пресс 2001.

4. Бурлуцкий И.Д., Япаров Э.Э. Лептоспироз крупного рогатого скота. Тезисы научно-практической конференции «Актуальные проблемы ветеринарной науки и практики». Самарканд, 1987.

6. Карпенко П.М. Лептоспироз животных. Ж. «Сельское хозяйство Узбекистана», 1983, №2